

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ТМИ ректори в.в.б. С.Мехмонов

2020 йил 27.06

“КЕЛИШИЛДИ”
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2020 йил 30.10

Рўйхатга олинди: № БД 5230600

2020 йил 30.10

БЮДЖЕТ ХИСОБИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим сохалари:	100 000	– Гуманитар соха;
	200 000	– Ижтимоий соха, иктисод ва ҳуқуқ.
Таълим сохалари:	110 000	– Педагогика;
	230 000	– Иктисод.
Таълим йўналишлари:	5111000	– Касб таълими (5230600 – Молия);
	5230600	– Молия;
	5230900	– Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоклар бўйича);
	5230800	– Солиқлар ва солиққа тортиш;
	5231300	– Пенсия иши.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил “30”/08 даги 6 -сон баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “30”/08 даги 568 - сон буйруғи билан маъқулланган фан дастури таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: Ибрагимов К.Ш. –ТМИ “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедраси доценти, PhD
Рамазонов А.С. –ТМИ, “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедраси ўқитувчиси

Такризчилар: Пулатов Д.Х. – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солик тадқиқотлари институти директор ўринбосари (*кадрлар буюртмачиси*)
Абдусаломова Н.Б. – ТДИУ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири. DSc., доцент (*турдош ОТМдан*)

Фан дастури Тошкент молия институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил “27” 06 даги 11 - сонли баённома).

I. ЎҚУВ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ

Ушбу фан “Бюджет ҳисоби” фанининг мазмуни, предмети ва методи, давлат бюджети ижроси бўйича бюджет ҳисобини ташкилий - услубий жиҳатлари, давлат бюджети даромад ва харажатлари ижроси ҳисоби, бюджетлараро муносабатлар ҳамда қарзлар ҳисоби, давлат бюджети ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлари, бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкилий-услубий жиҳатлари, бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби, бюджет ташкилотларида номолиявий активлар ва молиявий активлар ҳисоби, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби, ҳодимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби, бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби, бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар каби масалаларни қамраб олади.

Талабаларнинг ушбу фанни чуқур ўрганиши бухгалтерия ҳисоби, давлат бюджети, молия ҳамда ғазначилик фанлари ҳамда бюджет тизими бюджетлари ижроси ҳисобини ташкил этиш ва юритишда замин бўлиб хизмат қилади.

Ушбу “Бюджет ҳисоби” фани “Касб таълими (Молия)”, “Касб таълими (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича))”, “Молия”, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)” ва “Пенсия иши” таълим йўналишлари ўқув режаси таркибида бюджет тизими бюджетлари ижроси ҳисобини комплекс равишда ўрганилишини назарда тутди.

II. ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

“Бюджет ҳисоби” фанининг асосий мақсади талабаларда бюджет ҳисобининг объектлари (бюджет ва смета ижросига оид операциялар, уларни ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш, бюджет даромадлари ва харажатлари, бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоблашувлар, бюджет ижроси натижалари, бюджет ижросига оид молиявий ҳисоботлар, сметалар ва штатлар жадвалини тузиш ҳамда уларнинг ижроси, номолиявий активлар, молиявий активлар, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар, молиявий натижалар, бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари, бюджет ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш, унинг норматив-ҳуқуқий асослари) бўйича йўналишига мос билим, кўникма ва малака шакллантириш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан бўйича талабалар бюджет тизими бюджетларидаги маблағлар ва уларнинг манбалари ҳаракатини тўғри акс эттириш, ҳисоботларни тузиш, молиявий ҳисобот маълумотларининг очиқлигини таъминлаш, бюджет ҳисобининг тўғри ташкил этилишини қонунлар, қарорлар ва бошқа норматив ҳужжатларни ўрганишлари ва ўзлаштиришлари, билим, кўникма ва малакасига қуйидаги талаблар қўйилади.

Талаба:

- бюджет ҳисоби фанининг объекти, предмети ва усуллари;
- бюджет ҳисобининг асослари ва хусусиятлари;

- бюджет даромадлари ва харажатларининг шаклланиши;
- бюджетлар ўртасида ҳисоблашув операциялари;
- бюджет ижроси натижалари;
- сметалар ва штатлар жадвалини тузиш ва уларнинг ижроси;
- номолиявий активлар ҳаракати;
- молиявий активлар бўйича операциялар;
- дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар;
- молиявий натижаларни аниқлаш ва молиявий ҳисоботлар **ҳақида**

тасаввурга эга бўлиши;

- бюджет даромади ва харажатлари ҳисоби;
- бюджетлар ўртасида ҳисоблашувлар ҳисоби;
- бюджет ижроси натижаларини аниқлаш ва уларни ҳисобга олиш;
- бюджет ижросига оид ҳисоботлар;
- номолиявий активлар ҳисоби;
- молиявий активлар ҳисоби;
- дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар ҳисоби;
- ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби;
- молиявий натижалар ҳисоби;
- молиявий ҳисоботларни тузишни **билиши ва улардан фойдалана**

олиши;

- давлат бюджети ижроси бюджет ҳисобини юритиш;
- бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини юритиш;
- бюджет ҳисоботини тузиш ва тақдим этиш;
- бюджет ижросига оид ахборот тизимларини қўллаш **кўникмаларига**

эга бўлиши керак.

III. ФАНИИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАМДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Фанни ўқитишда интерфаол, коммуникатив, перцептив ёндашувлардан максимал даражада фойдаланиш, ўқув адабиётларидан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, журналлар, интернет манбаларидан ўзлаштирилган билимлар мажмуасини амалиётда кузатилаётган далил ва ҳодисаларга боғлай олиш, олинган натижаларни баҳолаш, таҳлил қилиш орқали касбий фаолият учун зарур бўлган билим, малака ва компетенцияларни инновацион тафаккур лаёқати негизида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чикиб, ўқув машғулотларини лойиҳалаш жараёнида:

- мезонни танлаш;
- ўқув мақсадларини тоифалаш;
- ўқув материалларини модуллаштириш;
- уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш;
- ўрганиш натижаларини аниқлаш каби омилларга қаратиш орқали таълим олувчида назарий билимлар пухта эгалланиши ҳамда уларни

амалиётда қўллаш кўникмасини шакллантириш, мустақил таълимни самарали ташкил этиш талаб этилади.

IV. АСОСИЙ НАЗАРИЙ ҚИСМ (МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ)

1 - мавзу. “Бюджет ҳисоби” фанига кириш. Фаннинг мазмуни, предмети ва усуллари

Фаннинг мазмуни. Фаннинг предмети ва объекти. Фаннинг усуллари ва унинг элементлари. Бюджет ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари. Фаннинг бюджет ижроси соҳасидаги вазифалари. Бюджет ҳисобининг бошқа махсус фанлар билан алоқаси. Бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари ҳақида тушунча ва уларнинг турлари.

2-мавзу. Давлат бюджети ижроси ҳисобининг ташкилий - услубий жиҳатлари

Давлат бюджети ижроси бўйича бюджет ҳисобини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий асослари. Давлат бюджети ижроси бўйича бюджет ҳисобида қўлланиладиган ҳисоб ҳужжатлари ва регистрлари. Давлат бюджети ижроси бўйича бюджет ҳисобида қўлланиладиган ҳисобварақлар ва бухгалтерия баланси. Давлат бюджети ижроси бўйича бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари ва улардан фойдаланиш.

3-мавзу. Давлат бюджети даромадлари ижроси ҳисоби

Давлат бюджети даромадларини ижро этиш тартиби. Давлат бюджети даромадлари ижроси ҳисобини мақсади ва вазифалари. Давлат бюджети даромадлари ижроси ҳисобини ҳужжатлаштириш. Давлат бюджети даромадларини ҳисобварақлар ва ҳисоб регистрларида акс эттириш. Давлат бюджети даромадларининг аналитик ва синтетик ҳисоби. Давлат бюджети даромадлари ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

4-мавзу. Давлат бюджети харажатлари ижроси ҳисоби

Давлат бюджети харажатларини ижро этиш тартиби. Давлат бюджети харажатларининг ижроси ҳисобининг мақсади ва вазифалари. Давлат бюджети харажатлари ижросини ҳужжатлаштириш. Давлат бюджети харажатларининг аналитик ва синтетик ҳисоби. Давлат бюджети харажатлари ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

5-мавзу. Бюджетлараро муносабатлар ҳамда қарзлар ҳисоби

Бюджетлараро муносабатлар ва улар ҳисобини мақсади ҳамда вазифалари. Субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотациялар ҳисоби. Бюджет ссудаси ва уни ҳисобга олишнинг хусусиятлари. Бюджет ссудасини ҳужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш. Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар ва улар ҳисобининг хусусиятлари. Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китобларни ҳужжатлаштириш ва ҳисоб

регистрларида акс эттириш. Давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳисоби. Бюджетлараро муносабатлар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

6-мавзу. Давлат бюджети ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлар

Давлат бюджети ижроси натижаларни аниқлаш тартиби. Давлат бюджети ижроси бўйича жорий ҳисобварақларни ёпиш. Давлат бюджети ижроси бўйича даврий ҳисоботларни шакллантириш. Давлат бюджети ижроси бўйича ҳисоботларнинг ахборот имкониятлари. Давлат бюджети ижроси бўйича ҳисоботларни тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

7-мавзу. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатлари

Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкил қилишнинг мақсади ва вазифалари ҳамда хусусиятлари. Бюджет ташкилотларида юритиладиган ҳисоб ҳужжатлари ҳамда регистрлари шакллари. Бюджет ташкилотларида қўлланиладиган ҳисобварақлар, уларни тайинланиши ва тузилиши. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия баланси. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобининг ташкилий жиҳатлари. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкил этишда қўлланиладиган ахборот тизимлари.

8-мавзу. Бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби

Бюджет ташкилотларида сметалари таркиби ва уларни шакллантиришнинг хусусиятлари. Бюджет ташкилотларида штатлар жадвали ва уларни тузишнинг хусусиятлари. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасини тузиш тартиби ва уларни ижроси ҳисоби. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш ва улар ижроси ҳисоби. Бюджет ташкилотлари сметалар ҳамда штатлар жадвалини тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш тартиби.

9-мавзу. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби

Асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари. Асосий воситалар киримини ҳисобга олиш. Асосий воситалар эскириши ҳисоби. Асосий воситаларни таъмирлаш ва қурилишини ҳисобда акс эттириш. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисоби. Асосий воситаларни балансдан чиқарилиши ҳисоби. Номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари. Номоддий активлар киримини ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш. Номоддий активларни балансдан чиқарилиши ҳисоби. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этиш. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

10-мавзу. Бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисоби

Бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда хусусиятлари. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва улар кими ҳисоби. Тайёр маҳсулотни ҳисобдан чиқарилиши ҳисоби. Бошқа товар моддий захиралар кимини ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш. Бошқа товар - моддий захираларни ҳисобдан чиқарилиши ҳисоби. Товар моддий захиралар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этиш. Товар моддий захиралар ҳисобини юртишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

11-мавзу. Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби

Молиявий активлар ва улар ҳисобининг мақсади ва вазифалари. Бюджет ва бюджетдан ташқари пул маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларни очиш, ёпиш ва юртиш тартиби. Ҳисобварақларда бюджет маблағлари ҳисоби. Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби. Касса муомалалари ҳисоби. Бошқа пул маблағлари ва молиявий қўйилмалар ҳисоби. Молиявий активлар ҳисобини юртишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

12-мавзу. Бюджет ташкилотларида турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари. Юридик ва молиявий мажбуриятларини ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказиш. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисобини юртишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

13-мавзу. Бюджет ташкилотларида ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби

Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисобини ташкил этиш унинг мақсади ва вазифалари. Ходимлар билан камомадларга доир ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимлар билан меҳнат ҳақи тўлаш бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби. Стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимларни иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимлар ва стипендия олувчилар билан бошқа ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисобини юртишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

14-мавзу. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби

Бюджет ташкилотларида молиявий натижаларни аниқлаш тартиби. Бюджет маблағлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби. Тўловларни махсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар. Якуний молиявий натижалар ҳисоби. Молиявий натижалар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

15-мавзу. Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар

Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар таркиби. Бухгалтерия балансини тузиш тартиби. Харажатлар сметаси ижроси ҳақида ҳисоботни тузиш тартиби. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотни тузиш тартиби. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботни тузиш тартиби. Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартиби. Молиявий ҳисоботларни тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

V. Амалий машғулотларлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- амалий машғулотлар нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

Амалий машғулотлар бўйича қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Бюджет ҳисоби” фанига кириш. Фаннинг мазмуни, предмети ва усуллари
2. Давлат бюджети ижроси ҳисобининг ташкилий - услубий жиҳатлари
3. Давлат бюджети даромадлари ижроси ҳисоби
4. Давлат бюджети харажатлари ижроси ҳисоби
5. Бюджетлараро муносабатлар ҳамда қарзлар ҳисоби
6. Давлат бюджети ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлар
7. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатлари

8. Бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби

9. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби

10. Бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисоби

11. Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби

12. Бюджет ташкилотларида турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби

13. Бюджет ташкилотларида ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби

14. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби

15. Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар

Амалий машғулот мавзуларида фаннинг ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқишида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академгурухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда педогогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

VI. Мустақил таълим

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. “Бюджет ҳисоби” фанига кириш. Фаннинг мазмуни, предмети ва усуллари

2. Давлат бюджети ижроси ҳисобининг ташкилий - услубий жиҳатлари

3. Давлат бюджети даромадлари ижроси ҳисоби

4. Давлат бюджети харажатлари ижроси ҳисоби

5. Бюджетлараро муносабатлар ҳамда қарзлар ҳисоби

6. Давлат бюджети ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлар

7. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатлари

8. Бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби

9. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби

10. Бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисоби

11. Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби

12. Бюджет ташкилотларида турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби

13. Бюджет ташкилотларида ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби

14. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби

15. Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар

Фаннинг ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқишида мустақил таълим ва мустақил иш мавзуларида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан

рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VII. Фан бўйича курс иши

Мазкур фан ўқитиладиган таълим йўналишларининг ўқув режасида курс иши назарда тутилмаган.

VIII. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар:

1. Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet hisobi. Darslik. – T.: “IQTISOD MOLIYA” 2018. 428 b.
2. Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet tashkilotlarida byudjet hisobi. Darslik. – T.: “IQTISOD MOLIYA” 2019. 329 b.
3. Tuychiyev A.J., Ibragimov K.Sh. Byudjet hisoboti. O’quv qo’llanma. “IQTISOD MOLIYA”. – T.: 2018. 254 b.
4. Hamdamov B.K. va Ostonokulov A.A. Byudjet nazorati. O’quv qo’llanma. “IQTISOD MOLIYA”. – T.: 2018. 318 b.
5. Mehmonov S.U., Kulibayev A.Sh. Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg’armalari hisobi. O’quv qo’llanma. “IQTISOD MOLIYA”. – T.: 2018. 217 b.
6. Коренкова С.И. Бюджетный учет и отчетность. Учебное пособие для вузов. — Москва: Издательство Юрайт, 2019. — 195 с.

Қўшимча адабиётлар:

7. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 488 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 104 б.
10. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 56 б.
11. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-48 б.
12. Toshmukamedova D.A. G`aznachilik. O`quv qo`llanma. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2018. – 328 b.
13. Туйчиев А.Ж. и др. Бюджетный учет. Учебной пособия. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2018. – 278 b.
14. Tuychiyev A.J., Abidov M.I. Byudjet tasnifi. O’quv qo’llanma.

“IQTISOD MOLIYA”. – T.: 2018. 264 b.

15. Качкова О.Е., Кришталева Т.И., Овсяйчук М.Ф. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях. Учебник. — Москва: КноРус, 2016. — 295 с.

Интернет сайтлари

16. www.lex.uz (O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi)
17. www.mf.uz (O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi rasmiy veb-sayti)
18. www.stat.uz (O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining rasmiy veb sayti)
19. www.ach.gov.uz (O'zbekiston Respublikasi Hisob Palatasining rasmiy veb sayti)
20. www.openbudget.uz (O'zbekiston Respublikasining “Ochiq byudjet” portali)

